ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 557 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2845*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 3 декабрдаги 102, 2015-34-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2738, 2015 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 615-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 29 ноябрь,
89-сон



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 5 dekabr holatiga



**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 29 ноябрь,
2016-36-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2016 йил 29 ноябрдаги
89, 2016-36-сон қарорига
ИЛОВА

## Алкоголли маҳсулотлар* учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар

| **Сотилаётган товарнинг номи** | **Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи** | **Энг кам чакана нарх** |
|---|---|---|
| Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 5400 | 6500 |
| Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 17200 | 20600 |
| Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 12900 | 15500 |

* Пиводан ташқари.



WWW.LEX.UZ